



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 20 yil « 14 » август

№ 485

Toshkent sh.

Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизимини такомиллаштириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сон Фармони ижросини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 18 февралдаги ПФ–5938-сон Фармонига асосан қуйидагилар:

фуқаролар йиғини раисининг тўртта ўринбосари лавозимлари, шунингдек, фуқаролар йиғинининг олтига комиссияси ҳамда “Маҳалла посбони” жамоатчилик тузилмаси тугатилганлиги;

фуқаролар йиғини раисининг учта ўринбосари, иккита маслаҳатчиси ва битта мутахассис лавозимлари киритилганлиги ҳамда фуқаролар йиғинининг иккита янги комиссияси ташкил этилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Қуйидагиларни назарда тутувчи **Фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисидаги низом** иловага мувофиқ тасдиқлансин:

фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳолашнинг умумий асослари;

фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолашнинг асосий кўрсаткичлари ва методикаси;

фуқаролар йиғинлари фаолиятини рейтинг баҳолашнинг шаффоф тартиби;

рейтинг баҳолаш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни рағбатлантириш тартиби.

3. Белгилаб қўйилсинки:

вазирликлар, идоралар ва бошқа ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар ва туман (шаҳар) бўлинмаларининг сўровига мувофиқ мазкур қарор билан тасдиқланган низомда назарда тутилган маълумотларни тақдим этадилар, бунда маълумотларнинг асосланганлиги, ишончлилиги ва белгиланган муддатда тақдим этилиши учун маълумотни киритаётган идораларнинг биринчи раҳбарларига шахсий жавобгарлик юклатилади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳамда туман (шаҳар) ҳокимликлари рейтинг баҳолаш натижалари бўйича фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларни рағбатлантириш учун зарур бўлган маблағларни маҳаллий бюджетлар даромадлари прогнозини ошириб бажариш ҳисобидан ажратиб борадилар;

йил якуни натижалари бўйича “намунали” деб топилган фуқаролар йиғинлари ходимлари ва жамоатчилик асосида фаолият юритаётган шахсларга республика ҳудудидаги санаторийлардан бирида соғлиғини тиклаш учун бир маротабалик бепул йўлланма бериш амалиёти сақлаб қолинади;

профилактика инспекторлари (катта инспекторлари)нинг жинойтчиликни олдини олишдаги фаолиятини баҳолаш Вазирлар Маҳкамасининг “Бириктирилган ҳудудда ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жинойтчиликка қарши курашиш бўйича фаолиятини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 22 февралдаги 137-сон қарорига асосан ички ишлар органлари томонидан амалга оширилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда:

2020 йил 1 декабрга қадар фуқаролар йиғинлари фаолияти самарадорлигини рейтинг баҳолаш тизимини олиб борувчи автоматлаштирилган веб-порталнинг (кейинги ўринларда веб-портал) техник-лойиҳа ҳужжатларини ишлаб чиқсин ва ўрнатилган тартибда тасдиқласин;

2021 йил 1 майдан веб-портални тест режимида ишга туширсин.

Мазкур бандда назарда тутилган топшириқни амалга ошириш бўйича сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги “Обод ва хавфсиз маҳалла” жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши белгилаб қўйилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари